

Савда бинти Замъа розияллоху анҳонинг фазллари



17:00 / 09.02.2019 2435

▼

Рамазони муборакда Бадрда эришилган ғалаба мусулмонлар учун тарихий аҳамиятга эга эди. Ўша шонли ғалабадан кейин мусулмонлар жамияти тарих сахнасига катта куч сифатида чиқди. Улар ким бизни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қиларкан, деб хавф-хатар остида яшаш босқичидан эсон-омон ўтдилар.

Бир оз хотиржам бўлган Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳам ўзлари ҳақларида ўйлаш фурсатини топдилар. Ана шунда Абу Бакр розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бундан уч йил аввал олдин Маккада тузилган оилаларини эсларига солдилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Оиша онамиз билан бирга яшашга қарор қилдилар.

Маълум муддат бирга яшаб, ўзига яраша бир-бирларига ўрганиб қолган кишилар ичига ёш, шўх ва бир оз топқирроқ қиз – Оиша розияллоху анҳо кириб келган эдилар. Савда бинти Замъа онамиз янги келинни жуда яхши кутиб олдилар. Бу дамларда у кишининг ҳазил-мутойибага усталиклари ва соддаликлари ҳам иш берди.

Савда бинти Замъа онамиз авваллари ҳам кези келганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга у кишининг бу сифатлари маъқул келар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳазил-мутойибаларига ўзига яраша лутф ила муомала қилар эдилар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот» номли машҳур китобларида бу борада қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Савда розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, кеча ортингизда намоз ўқидим. Шунчалар рукуъ қилдингизки, қон оқиб кетмасин, деб бурнимни ушлаб турдим», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. У аҳён-аҳёнда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эди».

Савда бинти Замъа онамиз хонадонга Оиша розияллоҳу анҳо кириб келганларидан кейин ҳам ана шу ҳазил-мутойиба руҳини ушлаб турдилар. Бу ўз навбатида оилада ўзаро алоқаларни доимо яхши тутиб туриш учун ҳам керак эди.

Имом Насайй ва бошқа муҳаддислар Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

«Бир куни Савда бизникига зиёратга келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан унинг ўртамизда ўтирдилар. У зот бир оёқларини менинг қўйнимга, иккинчи оёқларини унинг қўйнига ташлаб ўтирар эдилар. Мен ҳарийра пишириб келдим ва Савдага:

«Егин», дедим.

У кўнмади.

«Агар емасанг, юзингга суртаман», дедим.

У яна кўнмади. Мен лагандан бир оз нарсани олдим-да, унинг юзига суртдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оёқларини унинг қўйнидан олдилар. Унга мендан ўч олишга шароит яратдилар ва:

«Сен ҳам унинг юзига сурт!» дедилар.

У лагандан бир оз нарса олиб, менинг юзимга суртди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулар эдилар».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан